

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2018
Декабрь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, А.СОТВОЛДИЕВ Параболо - гиперболик типдаги модель тенглама учун учинчи чегаравий шартли нолокал масала	5
Э.МАДРАҲИМОВ, М.МИРЗАКАРИМОВА Математик статистика таҳлил қилиш усулининг бир масаласага татбиғи	11
Д.ОРИПОВ Қаср тартибли бир оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал масалалар	17
М.АБДУМАННОПОВ Мавҳум аргументли бессель функцияси қатнашган ўзгармас коэффициентли интегро-дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала	21

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, А.ДЖУРАЕВ, Ш.ШУХРАТОВ Пахта тозалаш агрегатининг аррачали барабан секцияси конструкциясини ишлаб чиқиш	25
М.НАБИЕВ, К.ГАЙНАЗАРОВА, Я.УСМОНОВ, И.ЮЛДОШЕВА Сезгир элементлардаги термоэлектрик тармоқлар сифатида қўлланиладиган <i>n-PbTe</i> пардалар баъзи хоссаларининг экспериментал тадқиғи ва уларни тузатиш	32

КИМЁ

А.ИБРАГИМОВ, А.ИБРОХИМОВ <i>Nitragia</i> индолли алкалоидлар ва уларнинг сунъий аналоглари физиологик фаоллигининг кимёвий структурага боғлиқлиги	36
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.КУЗИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ Ўзбекистоннинг баланд тоғли тупроқлари қоплами	39
М.ИСАҒАЛИЕВ, Х.АБДУХАКИМОВА, М.ОБИДОВ Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар геокимёси	43
В.ИСАҚОВ, У.МИРЗАЕВ Арзиқ-шухли ўтлоқи саз тупроқларнинг суғориш таъсиридаги динамикаси	47

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒОФУРОВ, Г.ХОЛМАТЖОНОВА Даромадлар ва аҳолининг банкдаги пул жамғармалардан манфаатдорлигини ошириш муаммолари	51
--	----

ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ, А.НИШОНОВ Диний бағрикенгликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлиги	55
Ж.ҲАЙИТОВ Туркистонда манзарали дарахтлар янги турларининг тарқалиш тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари)	61
Н.РЕЖАББОЕВ Фарғона очларига ёрдам (1923-1924 йиллар)	64
З.РАХМАНОВ, М.ХОМИДЖОНОВА Қадимги Фарғонанинг маданиятларини даврлаштириш борасида айрим фикр-мулоҳазалар	69

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.ГАНИЕВ, С.ЭВАТОВ, М.НЕЪМАТОВА Имом Бухорий ҳадисларидаги ахлоқ-одоб қоидаларининг тадбиркорлик маданиятига алоқадорлиги	74
А.КОМИЛОВ Ёшлар турмуш маданиятини юксалтиришда таълим-тарбиянинг ўрни	77

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.ХЎЖАЕВ “Панчатантра” эпоси ва ўзбек адабиёти	80
--	----

ДАРОМАДЛАР ВА АҲОЛИНИНГ БАНҚДАГИ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРДАН МАНФААТДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

А.Ғофуров, Г.Холматжонова

Аннотация

Мақолада аҳолининг даромадларини ҳар тарафлама ошириш, айниқса уларнинг кўлида сақланаётган бўш маблағларни тижорат банкларига жалб қилиш жозибадорлигини ошириш, кутилаётган инфляция даражасининг минимал иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслик ва депозитлардаги пул фоизи даражасининг инфляция даражасидан юқори бўлиши билан боғлиқ муаммолар, улар ечимининг танқидий таҳлили тўғрисида сўз боради.

Аннотация

В статье основное внимание уделяется вопросам увеличения доходов населения, широкого привлечения свободных средств в коммерческие банки во избежание ожидаемого уровня инфляции, превышающего минимальную заработную плату, а также критически анализируются связанные с ними проблемы и приводятся пути их решения.

Annotation

The article examines a critical analysis of the problem of increasing the income of the population, systematically improving the income of the population, attracting free funds, the level of paid income in a bank — the percentage should not exceed the inflation rate of the monthly minimum wage; low percentage received in the bank.

Таянч сўз ва иборалар: бюджет, даромад, харажат, солиқ юки, солиқ тўлови, аҳоли пул жамғармалари, даромад, фоиз, инфляция, тижорат банклар, депозитлар.

Ключевые слова и выражения: бюджет, доход, расход, налоговое бремя, налоговый платеж, денежные накопления населения, процент, инфляция, коммерческие банки, депозит.

Keywords and expressions: budget, income, expense, tax rate, tax payment, savings of funds (cash) population, per cent, inflation, commercial banks, deposit.

Республикамызда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, янада ривожлантириш, даражаси нисбатан паст бўлган шаҳар ва туманларни жадал тараққий эттириш ҳисобидан ҳудудлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тафовутларни камайтириш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда, жумладан, ҳудудларда янги кичик саноат зоналари, махсус иқтисодий зоналар ташкил этилиб, аҳоли пул жамғармалари, кичик ва йирик хўжалик бирлашмалари, тадбиркорлик субъектлари, маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳамда хорижий инвестициялари жалб қилинаётгани субвенция (баъзи корхона ва шахслар молиявий ёрдам)га қарам бўлиб қолган туман ва шаҳарларда маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ишлаб чиқариш тармоқларини ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун муҳим молиявий-моддий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат

ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини молиялаштириш асосида аҳоли реал даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш имконини бермоқда.

Президентимизнинг мазкур фармонини бажариш жараёнида маҳаллий бюджетга кўшимча тушумларни кўпайтириш ва инфляция даражасини пасайтириб бориш барқарорлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мавжуд ҳолатини атрофлича танқидий таҳлил қилиш борасида энг муҳим вазифалар белгиланиб олинди. Мамлакатимиз ҳудудларига Президентимиз ташрифлари давомида жойлардаги мавжуд маҳаллий резерв ва имкониятларни излаб топиш ва ишга солиш ҳисобидан дастлаб бюджетга кўшимча равишда 5,3 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 12 фоиз кўп солиқ тушириш бўйича чоралар белгиланган эди. Бунинг натижасида жорий йилда прогнозга нисбатан 16 фоиз кўп тушум тушириш имкони пайдо бўлади.

А.Ғофуров – ФарДУ, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Г.Холматжонова – ФарДУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Жорий йилнинг ўн охи давомида солиқларнинг 60 фоизини илгаригидек 171 та йирик корхона таъминлаб бергани, масалан, Қорақалпоғистонда жами солиқнинг 50 фоизини «Ўзкоргаз» ва «Устюртгаз» корхоналари, Наманган вилоятида ҳамда Тошкент шаҳрида бу борадаги ишлар мутлақо талабга жавоб бермаслиги қаттиқ танқидий таҳлил кўрсатиб берди. Ўрганишлар ва таҳлилий ҳисоб-китоблар 2018 йилнинг 10 ойи давомида бундай резервлар барча вилоят ва ҳудудларда мавжудлиги, умуман, жорий йилда прогнозга қўшимча равишда 8,1 триллион сўм солиқ тушириб, бюджетга жами солиқ тушумини 50,2 триллион сўмга етказиш имкони борлиги аниқланди.

Яна бир муҳим омил шундан иборатки, жойларда солиқ бўйича қарздорликни ва энергия, газ ва сувдан фойдаланиб, қарздорлигини тўламаган юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий ундириш, давлат фойдасига ўтказилган мол-мулкларни сотиш ҳисобидан бюджетга 772 миллиард сўм тушириш ва бу борадаги назоратни янада кучайтиришга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш зарурлиги чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга 2018 йилнинг биринчи ярмида инфляция даражаси 6,6 фоизни ташкил этиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмаган бўлса-да, нарх-наво Тошкент шаҳрида 7,4 фоиз, Андижонда 7,3 фоиз, Фарғонада 7,8 фоиз, Қорақалпоғистонда 7,1 фоизга ўсгани ва гўшт нархининг бозорларимизда қимматлашиб бораётганлигининг сабаблари атрофлича таҳлил қилиниб, бунинг сабаблари чорва молларига бериладиган ем, шрот ва шелуха етарли эмаслиги ва бу, чорвага нисбатан озуқаларнинг белгиланган нархларга қараганда анча қиммат сотилаётгани билан боғлиқ омиллар уларнинг бошқариш соҳаларидаги мутасаддиларнинг (бошқарувчиларнинг) камчилигини кўрсатиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари одамларнинг обод ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун ўта муҳим бўлган уй-жой қуриш учун амалий шахсий жамғармалар тижорат банкларига қўйиладиган қўлидаги маблағларини омонатларга жалб қилиш масаласи ва уларнинг омонатларда сақланиб, шу билан бирга бу омонатлардан маълум қўшимча даромад – фоиз олиб, жорий харажатларга ишлатиш механизмида айрим муаммолар ҳанузгача мавжудлиги тўғрисида

гапирди. Айрим қишлоқ жойларда пластик картага товар сотиладиган дўконлар мавжуд эмас, мавжуд бўлган жойларда эса электр энергиянинг ўчиб туриши сабабли терминалнинг ишлаши доимий эмас. Аҳоли ҳамиша арзон ва сифатли янги маҳсулот харид қилишни истади. Демак, пластик картага ва нақд пулга сотиладиган товар ҳам бозорлардагидек арзон ва сифатли, тўғрироғи, талаб даражасида ва рақобатбардош бўлиши даркор.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, аҳолининг бўш пул маблағларининг тижорат банклар тизимига тўлиқ жалб қилишга эришиш учун юқоридаги масалаларга давр талаби бўйича ҳал қилиш учун чет эл банкларининг иш тажрибасини ўрганиш лозим. Юқори даражада юксалган мамлакатлардаги тижорат ва хусусий банкларнинг мижозларга хизмат қилиш борасидаги тажрибаларини синчиклаб ва янада атрофлича ўрганиш, хўжалик субъектлари ва аҳолининг банкларга нисбатан ишончини оширишга эришиш керак [1.51, 5], деган кўрсатмаларини келтириб ўтиш мумкин.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 5 июнда ҳудудларда бюджетга қўшимча тушумлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш ва инфляциянинг олдини олишда маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларини бошқариш соҳасида шахсий масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видео- селектор йиғилишида тижорат банклари пул айланмасидан ҳали бир четда қолаётгани, салмоқли молия ва аҳоли маблағларидан самарали фойдалана олмаётганини танқидий таҳлил қилишган эди [2]. Пул кўчириш йўлисиз ҳозирги пайтда фақат нақд пулга савдо қилиш сохта тадбиркорлар учун сифатсиз серификатланмаган товарлар олиб сотиш имконини яратади. Пул кўчириш йўли билан, яъни пластик картага савдо қилганда аҳолининг пул маблағлари банкка тўғридан – тўғри келиб тушади.

Тадбиркор фақат пул кўчириш билан шартнома асосида товар олади, бу дегани серификатланган ва маркировкаланган товар олинади. Серификатланган товар – бу, давлат назоратидан ўтган сифатли, тоза товар демакдир. Аҳолининг сифатли товарлар харид қилиши ҳам озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар, кундалик эҳтиёж моллари, ишончли дори-дармонлар билан таъминланиши демакдир.

ИҚТИСОДИЁТ

Аҳолининг пластик картага ҳарид қилишининг кенгайиши ўз-ўзидан банкларнинг айланма маблағларининг тезлашувига, мамлакатимиз ва ҳудудлар иқтисодиётининг янада мустаҳкам бўлишига, аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПК-1090 сонли “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни рағбатлантириш, банк маблағлари банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтиришни йўлга қўйиш ва уларни сир сақлаш борасидаги муҳим босқич бўлган эди. Сўнги икки йил даврида барча ҳудудларда инфляция даражаси 10-12 фоиз миқдорида қайд қилинган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида депутатлар томонидан давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари кенг муҳокама қилинаётганда келтирилган рақамларга кўра, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришида аҳолини ортиқча ташвишга қўймаслик мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори инфляция кўрсаткичидан баланд туришига эришилгани таъкидланиб, иқтисодиёт корхоналарининг салкам ярми, 2018 йил учинчи чорагида эса 62 фоиз корхоналар ходимларининг, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида бу рақам 100 фоиз ва таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари кабиларда эса иш ҳақининг 50 фоизга ошганлиги кўрсатиб ўтилди [3].

Мамлакатимизда 2019-2021 йилларга мўлжалланган тизимли ислохотлар асосий йўналишларининг “йўл харитаси” мавзусида бўлиб ўтган халқаро анжуманда, келгуси уч йилга мўлжалланган ислохотлар бўйича стратегия белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиёт, молия вазирликлари, республика Марказий Банки томонидан Жаҳон Банкнинг ишчи гуруҳи билан биргаликда ишлаб чиқилгани қайд этилди. У бешта асосий йўналишни қамраб олган. Булар – макроиқтисодий барқарорликка эришиш; рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини тезлаштириш, аҳолини ижтимоий (шу жумладан, инфляция хавфсизлигидан) ҳимоя қилиш, уларга хизмат кўрсатишни кучайтириш, кучли бозор

иқтисодиётида давлатнинг ролини ошириш, атроф-муҳитдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашдан иборат. Анжуманда қайд этилишича, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларига эришиш учун 30 та устувор вазифа бўйича қарийб 40 та дастур, жумладан инфляциянинг олдини олиш концепцияси, стратегик “йўл харитаси” ишлаб чиқилади. Бу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, республика Марказий Банки ҳам ўзининг “йўл харитаси”ни белгилаб олди. Унга мувофиқ Марказий Банк маълумотларига кўра, мамлакатимизда йиллик инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлари 2018 йилдаги 16-17 фоиз ўрнига 2019 йилда 13,5-15,5 фоиз ва 2020 йилда 10-12 фоизни ташкил этади. Эътиборли томони шундаки, ислохотлар янги “йўл харитаси”нинг уч йиллик натижасида 2021 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткич бир хонали (яъни 9 фоиздан) сонгача пасайиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, хавф-хатар сабабли, яъни ташқи иқтисодий шароитларнинг ёмонлашуви ва амалга ошириладиган таркибий ислохотларнинг секинлашуви ҳисобига, масалан, келгуси йилда инфляция даражасининг 17-18 фоизгача ўсиш эҳтимолидан ҳоли эмас [4]. Бироқ иккала кутилиши мумкин бўлган натижада ҳам Марказий Банк пул-кредит сиёсатини юритишда эҳтиёткорона ёндашувдан фойдаланиб, пул-кредит шароитларини бир маромда қатъийлаштириб боришни назарда тутиши даркор. Бу жараёнда муқобил натижа кўринишида янада қатъийроқ чоралардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қайд этиб ўтиш жоизки, Марказий Банк пул-кредит сиёсатида аҳолининг қўлидаги маблағларини омонатларга жозибали жалб қилиш масаласи ва уларнинг омонатларида сақланиб, шу билан бирга бу омонатлардан маълум кўшимча даромад (ҳозирги пайтда 17-18 фоиз, 2019 йилдан 18-20 фоиз) олиб, жорий харажатларга ишлатиш механизмида айрим ноҳушлик, муаммолар мавжуд. Тижорат банкларга қўйилган аҳолининг омонат пулларига йиллик ўртача фоизнинг 17 фоиздан ошмагани ҳолда (2018 йил декабригача) инфляция даражаси 17-18 фоизни ташкил этиши ноҳақлик, адолатсизлик, аҳолининг манфаатларига зидлигига қарши олиб борилаётган давлатнинг устувор сиёсати талабларига мос келмаслиги кўзга

ташланмоқда. Бу ўта муҳим муаммо Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган янги 2019-2021 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” асосида қайта зудлик билан кўриб чиқилиши, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятида баён қилган “аввал халқимиз рози ва кўнгли обод бўлсин”, деган тушунчага мос келади [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- миллий пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш, юксак ривожланган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш технологияларини амалиётга кенг жорий қилиш тажрибасини ўрганиш асосида экспертга йўналтирувчи маҳсулот-товарлар ҳажмини ошириш ва кўпайтириш;

- тараққий этган мамлакатларнинг тижорат ва хусусий банк тизимини, пул муомаласи, аҳолининг жамғармаларини жозибали жалб қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш борасидаги тажрибани янада кенгайтириш, “банк мижоз учун” шиори бўлиши керак;

- банк-кредит ва молия соҳасидаги коллеж ва олий таълим муассасаларида пул-кредит соҳасидаги фанларни чуқур ўрганиш бўйича талаб кредитларни тайёрлашни ва фанларни хорижий фанлар билан мослаштириш;

- пул-кредит муомаласи, аҳолининг омонатларини жозибали жалб этиш соҳасида олиб борилаётган сиёсатни рағбатлантириш, фоизлар орқали аҳоли оладиган даромадлар ҳажмини ошириш;

- мамлакатда вужудга келиши мумкин бўлган инфляция даражаси, ички бозорда нарх-наволарни ва иш ҳақини мувофиқлаштириш сиёсатининг изчиллигини таъминлаш;

- тижорат банклари томонидан ҳар бир фуқаронинг, айниқса, қишлоқ жойида яшовчи аҳолининг банк тизимининг пластик карта бўйича хизмат кўрсатишдан фойдаланишга ва назорат қилишга тўлиқ эришиш;

- банклар ишини бозор механизмларига мослашган ҳолда янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини тижорат банклардаги депозитларга жозибали жалб қилишнинг ҳар хил рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш;

- аҳоли даромадларини оширишда, уларнинг қўлида (уйда) сақланаётган бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш учун кенг тарғибот қилиш ишини реклама орқали кучайтириш, аҳолининг тижорат банкларига бўлган ишончининг ортишига эришиш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 июнь “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойларда давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
2. Каримов И. Банк тизими, пул муаммолари, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т., 2005.
3. Мирзиёев Ш. М. Халқимиз розилиги учун хизмат қилиш – фаолиятимизнинг бош мезонига айлантириш.- Халқ сўзи. - 2018 йил, 1 декабрь.
4. “Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. - 2018 йил, 30 ноябрь.